

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги
Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Тошкент
шаҳар ҳудудий бўлими харид комиссиясининг раиси



К.О.Хайдаров

«31» январь 2022 йил

**Тошкент шаҳрида жойлашган умумюрисдикция ва туман судларининг
оргтехника жихозларига хизмат кўрсатувчи ташкилотни онлайн тендер орқали
аниқлаш бўйича техник ҳужжатлари**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.
Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан
бajarилиши лозим.

Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга
оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу
шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги
далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига
ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни
етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган бўлиши лозим.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун
жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

Танловга қўйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг
ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

-шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

-тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

-фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқиляётган;

-давлат реестрида рўйхатга олинганлигига уч йил муддатдан кам бўлган;

-инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар
олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;

-имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар)
амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда
рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

-аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида
бajarмаган ҳолларда.

**Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида
қатнашишдан четлаштиради, агар:**

-иштирокчи бевосита ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор
шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки
бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга
рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул
қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

-иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар
тўқнашувига эга бўлса.